

Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!



2

ШАКАР НАРХИНИ КИМЛАР ОШИРМОҚДА?

Таҳлилларга қўра, озиқ-овқат маҳсулотларининг жаҳон бозоридagi нархи шу йилнинг март ойида бир йил аввалгига нисбатан

34 фоизга қимматлади.

Йил бошидан буён

**буғдой нархи 20,
маккажўхори 19,
ғалла 20,
ўсимлик ёғи 23**

фоизга кўтарилди.

Юртимизда ҳам сўнгги пайтлар бозорларда гўшт, тухум, айниқса, ёғ ва шакар нархи анча юқорилди. Натижада ўртаҳол оилалар бозор-ўчарга доимий ажратилган маблагни тежашга, айрим маҳсулотларни бозорлик рўйхатидан ўчириб, бола-чақалари ризкин қийишга тўғри келмоқда.

Хўш, кундалик эҳтиёж-миз учун зарур бу маҳсулотлар нега қимматлашди? Хусусан, шакар нархи ошишининг асл сабаблари нималарга боғлиқ?

Биз ушбу саволларга аниқ жавоб топиш мақсадида пойтахтимиздаги «Юнусобод» ва «Кўйлик» деҳқон бозорларида бўлдик. Харидорлар, сотувчилар ва бозор масъуллари билан суҳбатлашдик.

Айни дамда «Юнусобод» деҳқон бозоридида шакарнинг килоси махсус расталарда 9500 сўмдан, чакана савдода эса 13-14 минг сўмдан сотилмоқда. Бозор раҳбарининг ўринбосари Дилмурод Жўраевнинг таъкидлашича, махсус расталарга шакар ҳоқимлиги томонидан ҳар куни 3 тонна шакар етказиб берилмоқда. Бундан ташқари, бозор раҳбарияти томонидан қўшимча равишда шакар захираси шакллантирилган. Хусусан, 1 май ҳолатига қўра, захирада 10 тонна шакар бўлиб, бугунгача 2 тоннаси қолган, холос.

Бозордаги нарх-наво ни имкон қадар назорат қилиб бориш пайида бўламиз, – дейди Д.Жўраев. – Аммо талабга яраша таклиф бўлгани боис ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқолмаймиз. Масалан, шакарни 13-14 минг сўмдан пуллаётган чакана савдо билан шуғулланувчиларни «Маҳсулотнинг биз белгиланган нархда сотасан», деб мажбурлай олаемиз. Чунки улар солиқларни тўлаб, қонуний савдо қилишмоқда. Шу боис фаолиятига аралашшига ҳаққимиз йўқ.

– Кеча бир қоп шакарни 580 минг сўмга олдим, – дейди исми сир қилишни истаган сотувчи. – Бу демак, унинг бир килоси менга 10800-11000 минг сўмдан тушди.



дегани. Мавсумдан фойдаланиб, устига бир-икки минг сўм қўйиб сотмасам, бу ердан туришимдан фойда йўқ. Аслида шакар қўлдан-қўлга ўтиб, бизга нархи ошган ҳолда етиб келади. Бозорда ҳеч ким уни биринчи қўлдан олмайди ва ололмайди ҳам. Чунки бу иш билан фақат айрим шахсларгина шуғулланади. Биз улардан айтган нархида ва имкониятимиздан келиб чиқиб, харид қиламиз.

Шерали исми шакар тарқатувчининг айтишича, у «катта партия» билан шуғулланадиган танишларидан айни кеча-кундузда ҳар қоп шакарни 550-560 минг сўмга олган. Улар бу маҳсулотни заводдан қанчага харид қилишгани билан қизқимаган. Лекин ўзига таниш савдогарларга 570 минг сўмдан сотган.

– Шакар бизнесида сунъий тўсиқлар кўп, – дейди «Кўйлик» бозоридagi сотувчилардан бири. – Шу боис у етарли бўлган тақдирда ҳам, ҳар мавсумда нархи ошиб кетади. Сабаби, мамлакатимизга шакарни фақат маълум доирадаги одамларгина тарқата олишади. Бошқаларга рухсат йўқ! Ишонмасангиз, хориждан шакар келтириб, бозорда сотиб кўринг, шунда гапимни тушунасиз. Яқинда бир танишим билан шундай ҳолат рўй берди. У хориждан ўз пулига қонуний тартибда гўшт, ёғ ва шакар олиб келди. Фойда кўриш нарида турсин, маҳсулотларини лозим махсус растада арзонлаштирилган нархда ҳам сотолмади. Ишончим комил, шакар бизнеси билан шуғулланиш учун барчага бирдек имконият яратилса, муаммо ўз-ўзидан ҳал бўлади. Афсуски, ҳозирча бу бизнес монополистлар қўлида.

Суҳбатларимиз жараёнида айрим сотувчилар шакар қимматлигини хорижий валюталар курси ошиб бораётгани билан ҳам боғлашади. Бироқ бу асосли далил эмас. Мабодо, шундай бўлса, нега доллар қиймати паслаганда шакар арзонлашмапти? Бизнингча, уни қиммат пуллаётганлар ё давлат томонидан белгиланган тартиб-қоидаларга риоя қилишмапти ёки бозор «катта»ларининг ўзлари шунга йўл очиб беришпти.

– Бу маҳсулотнинг асосий қисми ўзимизда ишлаб чиқарилаётган бир вақтда нархи тобора кўтарилиб бораётганини асло тушунмайман, – дейди махсус растадан шакар харид қилаётган харидор. – Ички бозоримиз юз фоиз таъминланган, маҳсулот етарли бўлса, нархи нега қимматлашади? Менимча, бозорлардаги тайёргач айёр олибсотарлар кўпинча нархларни сунъий равишда ошириб юборишмоқда.

Хўш, бу ҳолатни масъуллар қандай изоҳлашади? Монополияга қарши курашиш қўмитаси бундан бир ярим ой муқаддам шакар ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ҳамда реализация қилувчи маҳаллий тадбиркорларнинг 2022 йилги фаолиятида вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар олдини олиш бўйича ҳукумат томонидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани, Россия ва Украинада шакар ва буғдой экспортга киритилган чекловлар Ўзбекистон ички бозорларидаги эҳтиёж ва нархларга таъсир қилмаслиги ҳақида баёнот берган эди. Таъкидлашича, бугунги кунда Ўзбекистонда иккита шакар заводи – «Хоразмшакар» ва «Ангреншакар» фаолият юритмоқда. Маҳаллий заводлар шакар хомашёсини Бразилиядан жаҳон биржа котиروвокларига нисбатан арзон нархларда харид қилмоқда. Хусусан, 15 март ҳолатига қўра, бу корхоналарда 260 минг тонна шакар маҳсулоти захираси мавжуд бўлган. Шундан 40 минг тоннаси тайёр шакар ва 32 минг тоннаси хомашё. Июнь ойигача яна 178 минг тонна хомашё етказиб берилади. Вазиятни барқарорлаштириш мақсадида март



ойи-дан бошлаб биржа савдосига қўйиладиган шакар ҳажми 30 фоизга оширилган.

Қўмита баёнотидан англашиладики, нарх-наво кўтарилишига ташқи омилларнинг таъсири йўқ. Демак, ҳукумат кўраётган чора-тадбирларга қарамай, нарх-наво-нинг бу қадар ўсаётганида, энг аввало, инсон омилли, жумладан, шакар бизнеси билан фақат маълум доирадаги шахслар шуғулланаётгани сабаб бўлмоқда.

Яна бир гап: мазкур баёнот 15 мартда берилган эди. Шакар нархи эса апрелнинг ўрталарида кўтарилишни бошлади. Хўш, захира етарли бўлган бир пайтда нарх-наво ни асосиз ошираётганлар билан нега ҳеч ким шуғулланмапти? Адамшасак, бу вазифа бевосита Монополияга қарши курашиш қўмитасига тааллуқли.

Шундай экан, мавсумни рўқач қилиб, нарх-наво ни сунъий ошираётган сохта тадбиркорлар, олибсотарлар, чайқовчилар ва монополистларнинг ноқонуний фаолиятини жиддий назорат остига олиш, соҳада вужудга келган муаммоларни тизимли равишда бартараф этиш керак. Энг ачинарлиси, бу масаланинг замирида сунъий тўсиқлар ётибди. Уларни йўқотишда эса нафақат давлат органлари ходимлари, балки халқимиз ва ҳар бир фуқаро ҳам фаол қатнашмоғи даркор. Ана шундагина эл дастурхони тўкин ва турмуши фаровон бўлишига ҳисса қўшишимиз мумкин.

Ғулмжон МИРАҲМЕДОВ,
«ISHONCH»



Тошкент шаҳри

Комила Ҳайдарова ўн йилдан буён «Ҳудудгаз Пойтахт» газ таъминоти филиали ижро аппаратида назорат бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келаётган эди. Аммо кутилмаганда иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод этилди.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Етакчи мутахассис ишига тикланди

Турмуш ўртоғи оламдан ўтгач, вояга етмаган фарзандларини аранг катта қилаётган аёл учун бу кўргулик дард устига дард бўлди.

К.Ҳайдарованинг мазкур масала юзасидан мурожаати-дан сўнг Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Меҳнат инспекцияси ҳолатни синчиқлаб ўрганди.

Аниқлашишча, К.Ҳайдарова Меҳнат кодексининг 100-моддаси иккинчи қисми 1-бандига асосан ишдан бўшатишган. Бироқ, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида Меҳнат кодексининг 92-, 101-, 103-, 106-моддалари талаблари бузилган.

Хусусан, МКнинг 101-моддасида иш берувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигини олмасдан бекор қилишга йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилган. Бордию иш берувчи касаба уюшма қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органининг розилигини олган тақдирда бир ойдан кечиктирмай, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиши керак. Ваҳоланки, К.Ҳайдаровага огоҳлантириш хати 2021 йил 9 ноябрда берилган. Меҳнат шартномаси эса 2022 йил 10 январда, яъни орадан икки ой ўтиб, бекор қилинган.


МКнинг 92-моддасига асосан эса ходим меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган вазифасини маълум бир сабабларга биноан давом эттиролмаса, иш берувчи ходимга мутахассислиги ва малакасига мувофиқ келадиган бошқа иш таклиф этиши шарт.

Фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан К.Ҳайдарова аввалги иш жойига тикланди. Мажбурий проғул оқибатида бекор юрган кунлари учун 12 миллион 378 минг 311 сўм иш ҳақи ҳамда 10 миллион сўм маънавий зарар пуллари ундириб берилди.

Наргиза АСАДОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси меҳнат ҳуқуқ инспектори



Сандабар Абдураимов оғлан сураглар



Қашқадарё вилояти

Истеъдод шундай кашф этилади

Ўзбекистоннинг бугуни ва эртаси ҳақида, қилмоқчи бўлган ишларни қўзлаган чўққилари ҳақида дилда борини баён этишга аҳд қилган, шаҳду шиддатга тўлган, ошғу ошғуфта бўлган қалб соҳиблари эссе ёзишмоқда. Улар ўз орзу-умидларини, режа ва мақсадларини қоғозга туширишмоқда.

Аслида, инсон турли танловларда тобланиб, мунтазам ижод билан шуғулланиб, изланишлар қанотиди юксак марралар сари парвоз қилиш учун саботини чархласа, устозлар кўрсатган тўғри йўлдан адашмаса, оғишмаса, албатта, мукамалликка, камолотга эришади.

Демак, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказётган «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!» шiori остидаги эсселар танлови ҳам истеъдодларни кашф этишга, ёшларнинг шу азиз Ватанга бўлган дахлдорлик туйғусини юксалтиришга, яқдил ва ҳамфикр бўлишига ҳисса қўйиши аниқ.


Шу боис мақсад ва марралари юксак бўлган мазкур танловга Қарши муҳандислик-иқтисодий институтда қизиқиш катта бўлди. Ижод ихлосмандлари дастлаб факультетларда сараланди. Ҳар бир факультетдан уч нафардан илми толиб, жами 21 нафар ғолиб ва совриндор танловнинг институт босқичида дилдадилларни қоғозга туширишди.

Ҳар қандай танловда шаффофлик ва ҳалоллик қондаларига амал қилинса, унга бўлган қизиқиш ортаверади. Шунинг учун жараён йирик монитор орқали намоён этиб борилди. Пировардида, Электротехника ва автоматика факультети талабаси Нигина Яхшиева биринчи, Энергетика факультети вакиласи Муниса Қурбонова иккинчи, Геология ва қончилик иши факультети талабаси Борчиной Ботирова учинчи ўринни эгаллаб, танловнинг Қашқадарё вилояти босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Танловнинг факультет босқичлари ва институт миқёсида фаол қатнашган талабалар ҳамда уларнинг устозлари институт касба уюшма кўмитаси томонидан муносиб раббатлантирилди.

Ақмал АБДИЕВ,
«ISHONCH»

Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!



Хоразм вилояти

Урганч давлат университетида ўтган танловнинг биринчи босқичида 12 та факультетда тахсил олувчи 19886 нафар талабадан 11384 нафари иштирок этганининг ўзиёқ ёшлар Ватан тақдирига бефарқ эмасликларини англатади.

Иккинчи босқичда эса 50 нафар талаба ўз маҳоратини намоён қилиш имконига эга бўлди. Икки ярим соат давомида ёшлар томирларида буюк инсонлар қони оқаётганини, ажодларга муносиб ворис бўлиб, Учинчи Ренессансга муносиб ҳисса қўйишларини намоён қилишди.

– Ҳакамлар учун ушбу эсселарни баҳолаш осон кечмади. Моҳирона ёзилган ҳар бир ижод маҳсулини қайта-қайта ўқишга тўғри келди, – дейди университет касба уюшма кўмитаси раиси Қувват Ҳамроев. – Асосийси, уларда ёшларимиз ўзларининг ватанпарварлик ғояларини намоён қилиб, мамлакатимизда амалга оширилатган ислохотлардан рози эканликларини билдиришган. Янги Ўзбекистонни



Мақсади улғун бунёдкорлар

барқарор ривожлантириш учун ўз таклиф ва ташаббусларини баён қилишган.

Танлов натижаларига кўра, филология факультети биринчи босқич талабаси Гулназа Сафарова 1-, педагогика факультети 3-босқич талабаси Шоҳиста Ўқтамова 2-, филология факультети 3-босқич талабаси Севинчой Оллаберганава 3-ўринни қўлга киритди. Улар ви-

лоят босқичига йўлланма олиш баробарида университет маъмурияти томонидан муносиб тақдирландилар.

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»



Жиззах вилояти

Жиззах давлат педагогика институтининг «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!» шiori остида ўтказилган эсселар танловининг таълим муассасаси босқичида талабалар «Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар» мавзусида эссе ёзишди. Унда факультетлараро ўтказилган 1-босқичда иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритган 38 нафар талаба иштирок этди. Шундан 3 нафари рус, 1 нафари инглиз, қолган 34 нафари ўзбек тилларида қалам тебратишди.

Талабалар ёзган эсселарни ўқисангиз, унда ёшлар юртимиздаги Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда фаол иштирок этиш бора-бора дадил қадамлар ташлаёт-

Келажакни биз яратамиз!

ганига амин бўласиз. Аниқроғи, ўғил-қизларимиз онгида Ватанимиз тарихига бўлган қизиқиш, улардаги ижтимоий ҳаёт ҳақида тушунча тобора юксалиб бораётгани эъза ишларда ўз ифодасини топган.

Жиззах политехника институтининг ўтказилган танловда ҳам зеҳнли, илмга чанқоқ, бу борада тендошларига ўрнатилган талабаларнинг эъза нутқ, изланиш, креатив фикрлаш, ўз фикрини маҳорат билан бошқаларга етказиб бера олиш борасидаги билим ва кўникмалари синондан ўтказилди.

Ўйлаймизки, жиззахлик талабалар танловнинг навбатдаги босқичларида ҳам жонажон Ватанимизнинг тарихи, бугуни ва

келажаги ҳақидаги тасаввурлари нечоғли кенг эканлигини намоён этиб, ғолиб ва совриндорлар сафидан жой эгаллашади.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»



Андижон вилояти

Теран фикр ва равон ифода

Андижон давлат университетида «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!» шiori остида бўлиб ўтаётган эсселар танловининг университет босқичи ўтказилди.

Унда дастлабки босқичда иштирок этган 4 минг нафарга яқин талаба ичидан 1-, 2-, 3-ўринларни эгаллаб, ижодий салоҳиятини намоён этган 36 нафар ғолиб университет босқичида «Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар» мавзусида эссе ёзишди. Эътиборли жиҳати, иштирокчилардан 11 нафари ўз фикрларини рус ва инглиз тилларида изҳор этишди.

– Ижодий ишларнинг аксариятида ёшларимиз улкан мақсадларга эга ишлар сифатида тарбияланаётганини кўришимиз мумкин, – дейди Андижон давлат университети таълим муассасаси раиси Мирзабахром Ботиров. – Бу ишлар, ўз навбатида, келажакимиз эгаларида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришда фаол иштирок этиш ва дахлдорлик ахлоқий қадриятларини шакллантиришдан дарак беради. Муҳими, ёшларимиз ўз эсселарида мамлакатимиздаги ислохотларга қатъий ишонч ва қарашлар билан ёрқин келажакни кўзлаб бора-

ётганини самимий изҳор этишган. Қолаверса, уларда эъза нутқ, изланиш, креатив фикрлаш, нотиклик ва фикрини маҳорат билан етказиб бера олиш кўникмалари шаклланаётганини сезиш мумкин.

Тарих факультетининг 3-босқич талабаси Муслимбек Жаркинбоев фаол, китобхон ёшлардан. У бир неча бор «Заковат» клуби аъзолари сафида республикада олий таълим мактаби шарафини ҳимоя қилган. Изланувчан талабанинг эссеси ўзига хос ёрқин фикрларга бой.

– Бугунги глобаллашув замониди дунёни фақат илм билан забт этиш мумкин, – дейди у. – Биз, ёшлардан давлатимиз томонидан берилаётган эътибор ва ғамхўрликдан унумли фойдаланиб, илм чўққиларини эгаллаш талаб этилади. Шу боис эъза ишларимизда Ватанимиз равнақи интелектуал салоҳияти юқори, баркамол ёшлар қўлида эканига алоҳида урму бердим.

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

Қалб гавҳарим – Ватан



«Ватан! Бу шунчаки оддий сўз эмас. У денгиз тубида ўз эгаларини кутиб ётган энг қимматли дуру жа-воҳирлардан-да қимматбахо бўлган, инсонда энг инжа ҳис-туйғуларни жилонантирадиган ниҳоятда гўзал қалб гавҳаридир...»

Бухоро давлат университети талабаси Нигина Шодиева «Янги Ўзбекистон – янги мақсадлар» сарлавахали эссесини мана шундай сўзлар билан бошлади. У ўз ижодий ишида она юрт келажаги ва тараққиёти учун бор билим, куч ва имкониятини тўла сафарбар этиши ҳақида тўлқинланиб ётди. Шунингдек, ўзини ташвишлантирадиган муаммоларга ҳам алоҳида тўхталди: ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, коррупцияга қарши курашиш, она тилимизга эътиборни кучайтириш сингари долзарб масалаларни акс эттириб, уларни ҳал этиш юзасидан

таклифлар билдирди. Бухоро давлат университетида бўлиб ўтган «Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!» шiori остидаги эсселар танловининг олий таълим муассасаси босқичида барча факультетлардан Нигина сингари 33 нафар талаба иштирок этди.

Шартлар билан таништирилган талабалар икки соатдан зиёдроқ вақт мобайнида ижодий ишларини ёзиб тузатишди. Шундан сўнг эсселар ҳакамлар ҳайъати томонидан низом асосида баҳо-ланди. Унга кўра, мавзу тўлиқ очиб берилгани, тарих, бугун ва келажак ҳақидаги тасаввурга бойлиги, имловий саводхонлик, сўз бойлиги ва услубий маҳорат, амалга ошири-лаётган ислохотларга нисбатан шахсий муносабатлар акс этти-рилишига алоҳида эътибор қарати-лди. Шунингдек, эсселарда хуло-савий фикрлар мавжудлиги ҳамда уларни ифода этиш маҳорати ме-зонлар асосида баҳолашиб, энг сара-учта ижодий иш муаллифи ғолиб-деб топилди. Биринчи ўрин Фило-

логия факультети талабаси Нигина Шодиевага, иккинчи ўрин худди шу факультет талабаси Зуфнунабегим Аҳроровага ҳамда учинчи ўрин Санъатшунослик факультети талабаси Гулриъно Суннатуллоевага насиб этди.

Бухоро муҳандислик-техноло-гия институтининг ҳам танлов-нинг биринчи ва иккинчи босқич-жараёнлари яқунланди. Ҳакам-лар ҳайъати томонидан чиқарил-ган якуний баҳолаш натижаларига кўра, Энергетика факультетидан Алишер Тўймуродов энг юқори балл билан 1-ўринга лойиқ деб топилди. Кимёвий озиқ-овқат факультети талабаси Гулсалҳон Рашидова ҳамда Технолоия жараёнларни бошқариш ва автоматлаштириш факультети талабаси Мехрангуиз Худоевлар 2- ва 3-ўринларни эгаллади.

Ғолиблар ва уларнинг устозла-рига касба уюшмаси ташкилоти-нинг дипломлари, эсдалик совга-лари топширилди.

Дилдора ИБРОҲИМОВА,
«ISHONCH»



Наманган вилояти

Тараққиётга дахлдорлик туйғуси

«Янги Ўзбекистонни ўзимиз, ўз қўлимиз билан бунёд этамиз!» шiori остидаги эсселар танловининг биринчи босқичида Наманган вилоятидаги олий ўқув юртилардан 8324 нафар талаба иштирок этган эди.

Кунини Наманган муҳандис-лик-технология институтининг танловнинг институт босқичи бўлиб ўтди.

– Тўрт босқичли мазкур танлов-нинг факультетлараро босқичи «Биз келажак бунёдкоримиз!» мавзусида ўтказилиб, унда юқори натижани қўлга киритган фаол талабалар-нинг 19 нафари институт босқичи-да иштирок этишга мушарраф бўлди, – дейди институт ахборот хизмати котиби Маъмуржон Эра-шев.

Танловнинг расмий очилиш ма-росимида институтнинг Ёшлар ма-салалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Маъруфжон Қаномов ҳамда Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Республика кенгашининг Наман-ган вилояти бўйича масъул таши-лотчиси Лутфиддин Ғаниев танлов мазмун-моҳияти ҳақида иштирок-чиларга тушунча беришди.

Яқунда ғолиблар аниқланиб, улар танловнинг вилоят босқичига йўл-ланмани қўлга киритишди. Ушбу босқич бўйича танлов На-манган давлат университети ҳамда Наманган муҳандислик-қуриш институтининг ҳамда уларнинг устозла-рига касба уюшмаси ташкилоти-нинг дипломлари, эсдалик совга-лари топширилди.

Орзуғул РУСТАМОВА,
«ISHONCH»





Навоий вилояти

Нега Президент қарорига амал қилинмади?

Коронавирус пандемияси мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир қилибгина қолмай, катта тажрибага эга бўлган анча-мунча шифокорларни ҳам ногирон қилиб қўйди. Нега юзлаб тиббий ходимлари инфекция юқтиргани оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмди.

1982 йили Навоий вилоятининг Навбахор туманида туғилган Рамизжон Каримов Навбахор тумани тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар бўлими бошлиғи сифатида 2020 йилда эндигина иш бошла-

ган эди. Бироқ Навоий вилояти марказидаги шифохоналардан бирида коронавирусга чалинган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида ўзи ҳам шу балони юқтириб олди. Узоқ даволанди, бутун оиласи билан бирга қайта оёққа туришни кутди, яхши ниятлар қилди. Бўлмади. Кетма-кет жарроҳлик операцияларидан сўнг 2020 йилда иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Сегван касбидан, ишидан бутунлай айрилди.

Яна бир навбахорлик шифокор, 1983 йилда туғилган Шахриддин Фахриддиновнинг тақдирини ундан-да аянчли кечди. У коронавирус инфекциясидан азоб чекаётган ҳамюртларимизни даволаётган пайтида ўзи

ҳам худди шу дардни юқтириб, 2020 йили оламдан кўз юмди.

Президентнинг 2020 йилнинг 16 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан таъкидланганидек, коронавирус инфекцияси туфайли иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган шифокор Рамизжон Каримовга 100 миллион сўм, шу офат туфайли орамиздан эрта кетган Шахриддин Фахриддиновнинг оиласига 250 миллион сўм миқдоридан бир марталик тўлов берилиши шарт эди. Аммо ҳужжат ижросига келганда, ҳар иккала шифокорнинг яқинларига турли баҳоналар рўқач қилиниб, белгиланган маблағ берилмади.

Президент қарори ижроси ўз вақтида таъминланмагани учун кимдир асосли жавоб бера оладими?

Нормурод МУСОМОВ,
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

Олий Суд ва Бош прокуратурага!

Ўзбошимчалик қачонгача?

Сариосиё туманидаги «Сардор Парвин» болалар оромгоҳи ҳудудидаги қудуқ ва супаси ҳамда қудуқ атрофидаги 3200 кв.м. жойда Ҳайитбобо Мелибобоев ўзбошимчалик билан, ҳеч қандай ҳужжатсиз уй-жой қуриб, яшаб келмоқда.

Оромгоҳ раҳбариятининг 2017 йилдан буён маҳаллий раҳбарларга қилаётган шикоятларига ҳеч бир мутасадди жавоб беришга шошмаётир. Таажжубланарлиси шундаки, 2019 йилнинг 26 ноябрь куни Фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманларо судининг очиқ сайёр суд мажлиси низоли ҳудудда бўлиб ўтди. Унга судья А.Раҳимов раислик қилди. Сайёр суд мажлисида жавобгар Ҳ.Мелибобоев «Сардор Парвин» болалар оромгоҳи кадастр топосъёмка чизмасидаги оромгоҳ ҳудудида уй-жой ва хўжалик биноларини ўзбошимчалик билан қуриб олгани аниқланди. Низоли жойда оромгоҳнинг ичимлик суви қудуғи жойлашгани ҳам ўз тасдиғини топди.

Сайёр суд якунида даъвогар «Сардор Парвин» болалар оромгоҳининг жавобгари Ҳ.Мелибобоев ва Сариосиё тумани Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлимига нисбатан уй-жойни бузиш ва жавобгарни мол-мулки билан оромгоҳ ҳудудидан чиқариш ҳақидаги даъво талабини қаноатлантириш ҳақида ҳукм чиқарилди.

2020 йил 13 август куни Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди кассация судлов ҳайъа-

тининг ажрими эълон қилинди. Унга кўра, даъвогар «Сардор Парвин» болалар оромгоҳи жавобгари Ҳ.Мелибобоевга нисбатан «Ўзбошимчалик билан қурилган курилмани буздириниш ва худуддан чиқариш тўғрисида»ги даъво аризаси юзасидан чиқарилган Фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманларо судининг 2019 йил 26 ноябрдаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз, берилган шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Сўнгра ушбу масала 2021 йил 13 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати видеоконференц-алоқа режимида ўтказган очиқ суд мажлисида кўриб чиқилди. Унга кўра, мазкур фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган Фуқаролик ишлари бўйича Сариосиё туманларо судининг 2019 йил 26 ноябрдаги ҳал қилув қарори ва Фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди кассация инстанциясининг 2020 йил 13 августдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилди. Жавобгар Ҳ.Мелибобоевнинг вакили С.Омоновнинг кассация тартибидagi шикояти қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Аммо суднинг ушбу ҳал қилув қарори Мажбурий ижро бюросининг Сариосиё тумани бўлими томонидан ҳали-ҳануз ижро этилмади келинганда, Қонун устуворлиги таъминлини учун Мажбурий ижро бюросининг Сариосиё тумани бўлимига яна кимнинг қарори чиқариб берилиши керак?

Ҳабибullo ЗОКИРОВ,
Сариосиё туманидаги «Сардор Парвин» болалар оромгоҳи директори



Қорақалпоғистон Республикаси

ЖАВОБИНИ КУТАЁТГАН САВОЛЛАР



Нукус шаҳри

Нукус – Учқудуқ йўли қайта тикланса...

Нукус ва Учқудуқ шаҳарлари ўртасидаги асфальт йўл неча йилдирки, таъмирталаб аҳволда. Кейинги йилларда бу йўл орқали автотранспорт қатнови деярли тўхтаган. «Фузор – Бейнеу» автомагистрალი орқали келаётган юк машиналари Учқудуқ шаҳрига Нукусдан бориш учун ҳозир «Нукус – Бухоро – Навоий – Зарафшон – Учқудуқ» маршрути орқали 930 километр масофани босиб ўтиши керак.

Энди аввалги автотранспорт қатнайдиган трассани ҳисоблаб кўрайлик: Нукус шаҳридан Учқудуққа тўғри борадиган йўл масофаси – 390 километр. Айрма эса 540 километр.

Бу давлатга қанча қимматга тушаётганини тушуниш қийин эмас. Ушбу йўл таъмирланиб, автотранспорт қатнови қайта тикланса, катта саноат шаҳри – Зарафшон билан ҳам масофа анча қисқаради.

Шунингдек, 2025 йилда Қозоғистоннинг Қизилўрда ва Ўзбекистоннинг Учқудуқ шаҳарлари ўртасида 280 километрик янги магистраль йўл қурилиши режалаштирилмоқда. Демак, назарда тутилган йўлнинг аҳамияти қанчалик муҳим экани ўз-ўзидан аёнлашади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, автомобиль йўл масофаси қисқариши экологияга ҳам фойда, чунки ҳавога кам захарли газ чиқарилади, товарлар эса манзилга ўз вақтида етиб боради, транспорт харажатлари ҳам камайд.

Адилбек СЕЙТИМБЕТОВ



Хоразм вилояти

Спортни ривожлантириш вазирлиги ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлигига!

Ҳаво кундан кунга исиб бормоқда. Ҳадемай ёз мавсуми бошланади. Жазирма иссиқда кўпчилик салқин табиат қўйнида дам олишни, сувда чўмилишни хоҳлайди.

Ёз яқинлашиши билан босма нашрлар ва сайтларда Фавкулдада вазиятлар вазирилиги тизимида ишловчи ходимларнинг таққиланган худудларда чўмилмаслик ҳақидаги мақоалаларни чоп этилади, телевидение ва радиога туркум кўрсатув ва эшиттиришлар эфирга узатилади. Бироқ юрдошларимиз очиқ сув ҳавзаларида чўмилишда давом этаверди. Маълумотларга кўра, ҳар йили дунёда 300 минг нафарга яқин инсон белгиланмаган жойларда чўмилиш оқибатида ҳаётдан кўз юмар экан. Мамлакатимизда ҳам ҳар йили юзлаб инсон сувга чўкиб, нобуд бўлади. Улар орасида болалар ҳам бор.

Ҳўш, фожияли ҳолатлар бу йилги ёзда такрорланмаслиги учун мутасаддилар томонидан қандай чора-тадбирлар кўрилмақда? Айтилик, Хоразм вилоятида?

Бундан бир неча йиллар аввал Шовот каналининг Урганч шаҳри худудидан оқиб ўтувчи қисмида, Хоразм марказий уйингоҳида очиқ чўмилиш ҳавзалари фаолият кўрсатган. Ҳозир эса вилоятда бирорта ҳам рухсат этилган очиқ сув ҳавзаси йўқ. Шу сабабли санокли ёпиқ сув ҳавзалари ёз мавсумида ниҳоятда гавжум бўлади. Аммо пандемия туфайли баъзида улар ҳам маълум муддатга ёпиб қўйилмоқда. Қолаверса, ёзда ёпиқ сув худудидида чўмилиш инсонга хузури бағишламайди. Чўмилувчилар кўпчилиги сувнинг тез ифлосланишига, юқумли ва тери-таносил касалликлари тарқалишига сабаб бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Сувда сузиш – инсон соғлиғи учун фойдали. Айниқса, ўсиб келаётган авлод учун. Сузиш кўпгина касалликларнинг олдини олади, айримларини даволайди, иммун тизимини мустаҳкамлайди. Демак, ҳар қандай фаслда ҳам сузишга эҳтиёж бор. Бироқ, нима учундир мутасаддилар масаланинг бу жиҳати ҳақида бош қотиришни ўйламайдилар.

Амударё соҳилларида, каналлар бўйларида аҳолига қулай ва хавфсиз очиқ сув ҳавзалари барпо этиш фурсати аллақачон келмадимикин? Бу ёз ҳам фақат таққиланган худудда чўмилманг, рухсат этилмаган худудда чўмилманг қабилидаги оғохлантиришлар билан ўтадимми ёки таққиланмаган худудлар ташкил қилинадими?

Муҳаббат ТўРАБОЕВА,
«ISHONCH»



Сурхондарё вилояти

Сурхондарё вилояти ҳокимлигига!



Эрта-индин қачон келади?

Қумқўрғон тумани тиббиёт бирлашмаси тасарруфидаги «Янгиер» маҳалласида жойлашган 101-оилавий поликлиника икки қаватли бўлиб, 100 қатновга мўлжалланган. Унда 10 ўрин болалар ва 10 ўрин туғруқ учун ажратилган.

Мазкур маҳалла 2019 йилда «Обод маҳалла» давлат дастурига киритилган. Шу боис маҳаллада кенг кўламли ишлар амалга оширилган. Жумладан, айрим кўчалар асфальтлашиб, қолганларига тош тўшалган. Тадбиркорлар томонидан кўркам савдо дўконлари, турли ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилган.

Давлат дастурига асосан 101-оилавий поликлиника ҳам икки босқичда қайта реконструкция қилиниши белгиланди. Бу бунёдкорлик ишини Панжи Қувватов раҳбарлик қилаётган «Ботиралихон» хусусий корхонаси амалга оширишни бошлади. 1-босқичда 101-оилавий поликлиника

биносининг ташқи қисми ва устки (том) қисми тўлиқ қайта таъмирланди. Бу ишлар якунланганига ҳам 2 йилча бўлиб қолди. Бироқ бинода 2-босқичда амалга оширилиши лозим бўлган ишларга ҳанузгача қўл урилмапти. Яъни, бинонинг 1-, 2-қаватларининг ички қисми, поли ва хоналари таъмирига, шунингдек, пардозлаш ишларига киришилмади.

Бундан ташқари, 101-оилавий поликлиника замонавий тиббий асбоб-анжомлар, мебеллар билан таъминланиши назарда тутилган. Бу ишлар ҳам «Ботиралихон» хусусий корхонаси томонидан амалга оширилиши керак. Биздаги маълумотларга қараганда, бунинг учун 1 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган. Бу иш нега амалга оширилмай қолганини суриштирсак, туман тиббиёт бирлашмасидаги мутасаддилар «Эрта-индин бажарилиб қолади» дейишдан нарига ўтишмапти.

Ҳўш, эрта-индин қачон келади?
Феруза ҚОСИМОВА,
Қумқўрғон туманидаги 101-оилавий
поликлиника мудир



Тошкент шаҳри

Бош прокуратурага! Хусусий клиникалар фаолияти қандай назорат қилинмоқда?

«Guangzhou medical of China» клиникасида фош бўлган қаллобликлар ортидан ушбу МЧЖнинг бир гуруҳ мансабдор шахслари ҳамда ходимларига Жиноят кодексининг 186^б-моддаси 2-қисми «б» банди аломатлари билан жиноят иши қўзғатилгани ҳаммаиз эшитдик, ўқидик.

Адолат тантана қилиб, ушбу шахслар жазага тортилди ҳам дейлик. Аммо бу билан узоқ йиллардан буён мадда бойлаб келаётган муаммолар ҳал бўлиб қоладими?

Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизматининг ўтган йил якунлари бўйича берган маълумотига кўра, юртимизда салкам 6 900 та хусусий клиника фаолият кўрсатаётган экан.

Соҳада рақобат бўлгани яхши, албатта. Лекин мам-

лакатимизда хусусий клиникалар фаолиятини назорат қиладиган самарали тизим борми ўзи? Ахир юқоридида тилга олинган клиниканинг ҳам фаолият олиб бориши учун қайсидир ташкилотлар лицензия берган, клиника қўлаётган дори воситаларини сертификатлаштирган, ходимларининг касбий лаёқатини текширган.

Агар масалага чуқурроқ назар солинса, бу ерда жуда катта лоббизм ҳамда коррупциявий ҳолатлар чуқур илдиз отганини кўриш мумкин-дир?

Бу биргина клиникалар фаолияти билан боғлиқ масала эмас. Телеканаллар зўр бериб реклама қилаётган, ижтимоий тармоқларда лоп этиб олдингиздан чиқади-ган шубҳали клиникалару «Alhadaya», «Laminaiya» каби ўнлаб бошқа биологик фол кўшимчалар билан ҳам худди «Guangzhou medical of China» МЧЖга ўх-

шаш ҳолат рўй бермайди, деб ким қафолат беради? Энг ачинарлиси, халқ «ўлимдан бошқа ҳар қандай дардга даво» бўладиган дори воситаларининг рекламаларига ишоняпти. Яқин-яқингача давлат телевидениесида ҳам ҳар ярим соатда эфирга кетган «Guangzhou medical of China» клиникасининг «Гуанжоу – зўр!» рекламасига ишонгандек...

Гап кимнидир жазолаш, қонун устуворлигини таъминлаш эмас, балки мамлакатимизда бу каби қаллобликларга яратиб берилаётган имкониятлар ҳақида кетмоқда!

Бош прокурорнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан мурожаат этиши мумкинлигини инобатга олиб, бу соҳадаги қонунчилик тизимини такомиллаштириш фурсати келмадимми?

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА





МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ



Соҳа фидойиларини, тизимдаги барча ходимларни
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ САНОАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ
муносабати билан самимий муборакбод этади!
Уларнинг кадрлар тайёрлашдаги заҳматли ва
шарафли меҳнатлари туфайли
мамлакатимиз металлургия соҳаси улкан
ривожланиш босқичига кирди.



Касб байрами муносабати
билан меҳнаткаш ва яқонқуяр
металлургияларга мустаҳкам соғлиқ,
бахт ва омад, хонадонларига файзу
барака, элга хизмат қилишдек эзгу
ҳамда хайрли ишларида омад ва
улкан муваффақиятлар тилаймиз.
Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!



Бу – муҳим

Чўмилиш қоидаларини биласизми?

Мутахассислар фикрича, чўмилишнинг энг маъқул вақти: кўёш қиздираётган, аммо офтоб уриши хавфи бўлмаган палладир.

Сув ҳарорати +18° бўлганда 6-8 дақиқа давомда чўмилиш мумкин. +20° ҳароратли сувда 10-12 дақиқа, +20° дан юқори ҳароратли сувда узоғи билан 15-20 дақиқа чўмилиш тавсия этилади.

Кўкариб, қалтираб қолгунча чўмилиш организмда салбий ўзгаришларга олиб келади. Сувқ қотиш натижасида томирлар тортишиши, нафас тўхтаб қолиши ёки худдан кетиш каби ҳолатлар рўй бериши мумкин.

Агар қўл ва оёқларда томир тортишиши ҳолати кузатилса, ваҳимага тушишга ҳожат йўқ. Бундай вазиятда чалқанча ётиб сузиш зарур. Бармоқлар тортишса, қуйидаги машқни бажариш керак: тезда куч билан бармоқларни мушт қилиб тугиш, кейин қўл билан ташқи томонга кескин ҳаракат билан муштни очиш.

Болдир томири тортишса, букилиб, иккала қўл билан жабрланган оёқ товонини ушлаб ўзингизга тортинг. Сон қисмида тортишиш сезсангиз, оёқни ташқи томондан тизза остидан ушлаб, тиззаларни буккан ҳолда орқага тортинг.

Титроқни босиш учун сувдан чиқиб, соҳил бўйлаб тез ва қисқа масофага бироз югуриш, сочиқ билан яхшилаб артиниб, қуёшда тобланиш яхши самара беради. Қуёшда узоқ мuddат тоблангандан сўнг, сувга тушиш ярамайди.

Агар доимий равишда сузиш билан шуғулланиб юрмаган бўлсангиз, узоқ масофага сузиш тавсия этилмайди. Сузиш давомда чарчаб қолишингиз мумкин, шунинг учун сувда қандай «дам олиш»ни ҳам билиш зарур. Бунинг учун чалқанчасига, қафт ва оёқларни ишлатган ҳолда кам куч сарфлаб сузиш мумкин. Шу тарика кучингизни тиклаб оласиз.

Унутманг! Чўмилиш қоидаларига риоя қилиш, белгиланмаган жойларда чўмилмаслик ва болаларни қаровсиз қолдирмаслик чўки билан болги кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Нодирбек ҲАСАНОВ,
Қарши тумани
Фавқуллода вазиятлар
бўлими бошлиги ўринбосари,
Бахтиёр ЖўРАЕВ,
етакчи инспектор

Эълонлар

Янгийўл шаҳридаги 4-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1987 йил Норматова (Азаматова) Муҳаддам Убаевна номига берилган Д №412904-рақамли шаҳодатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1991 йилда Турғалова (Саидова) Наргиза Эржиновна номига берилган № 494210 - рақамли аттестат йўқолгани сабабли бекор қилинади.

«GRAND AUTO SERVICE» МЧЖ (СТИР 301371718) устив жамғармаси 317 660 631 сўм 41 тийиндан 179 526 180 сўм 32 тийинга камайтирилаётганини маълум қилади. Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, М. Ашрафий кўчаси, 103 А-уй манзили бўйича юборилиши мумкин.

Самарқанд автомобилсозлик коллежи томонидан 2016 йилда Чоршамиев Жонибек Уллубек ўғли номига берилган К №4251504 рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ



Диққат, танлов!

2022 йил май-июнь ойларида республикадаги барча олий таълим муассасалари талабалари ўртасида «Меҳнат ҳуқуқи ёшлар нигоҳида» танлови ўтказилади.

Бунинг учун интернет тармоғидаги
WWW.TANLOV.KASABA.UZ


сайтига 24-31 МАЙ кунларининг бирида таширф буюриб, меҳнат қонунчилигига оид тест саволларига жавоб беришингиз лозим. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган 20 нафар иштирокчи республика босқичида қатнашиб, комиссия аъзоларининг оғзаки саволларига билет асосида жавоб беради.

САРАЛАШ БОСҚИЧИДАН ЎТИБ, РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИДА ҒОИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН ИШТИРОКЧИЛАР ҚЎЙИДАГИ СОВРИНЛАРГА ЭГА БЎЛИШАДИ:

1-ЎРИН:
ТЕЛЕВИЗОР;



2-ЎРИН: НОУТБУК;



3-ЎРИН:
ПЛАНШЕТ.



«Ishonch» va
«Ishonch-Doverie»
gazetalari
taхrир хайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ

(тахрир хайъати раиси),

Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,

Анвар АБДУМУХТОРОВ,

Сайфулло АҲМЕДОВ,

Акмал САИДОВ,

Равшан БЕДИЛОВ,

Қутлимурот СОБИРОВ,

Суҳроб РАФИҚОВ,

Шоқосим ШОИСЛОМОВ,

Ҳамидулла ПИРИМУҚЛОВ,

Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,

Анвар ҚУЛМУРОДОВ

(Бош муҳаррирнинг

биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ

(Масъул котиб – «Ishonch»),

Валентина МАРЦЕНЯК

(Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Касаба уюшмалари ҳаёти –

(71) 256-64-69

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт –

(71) 256-52-89

Миллий-маънавий

кадриятлар ва спорт –

(71) 256-82-79

Хатлар ва муҳбирлар

билан ишлаш –

(71) 256-85-43

Маркетинг ва обуна –

(71) 256-87-73

www.ishonch.uz

сайти орқали Ўзбекистон

Республикаси Президентининг

фармон ва қарорлари,

энг сўнги англиклар,

таҳлилий, танқидий

мақолалар, хабарларнинг

тўлиқ матни

билан танишингиз

мумкин.

Ҳудудлардаги

муҳбирлар:

Қорақалпоғистон

Республикаси – (+998-99) 889-90-22

Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23

Бухоро вилояти – (+998-99) 406-43-24

Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34

Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02

Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28

Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26

Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55

Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32

Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24

Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01

Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган

маълумотларда манба сифатида

газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят

нуқтани назардан

фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Ж. Наҳанов

Мусаҳиҳ:

Д. Худойберганова

Саҳифаловчи:

Ҳ. Абдуҷалилов

Босишга топшириш вақти – 00:30

Топширилди – 00:40

Газета офсет усулида,

A-2 форматда босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

Бўйртма V- 5151

34287 нусхада босилди.

Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарқда

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,

Бухоро кўчаси, 24-уй.

E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба,

пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер

марказида терилди ва саҳифаланди.

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий

уйи босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:

Алишер Навоий кўчаси 30-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:

2021 0000 0004 3052 7001,

АТИБ «Ipoteka bank»

Яшнобод филиали,

банк коди: 00959,

СТИР: 201133889,

ОКЭД: 58130